




Минглар – ўрта асрлар кабиласи – дастлаб харбий бирлик сифатида ташкил килинган, XVI асрдан бошлаб Мовароуннахр худудида ўзбек кабилаларидан бири сифатида кайд килиб келинади. 1709-1876 йилларда – Кўкон хонлигида ҳукмрон ўзбек сулоласи. Мовароуннахрда минглар ҳақидаги илк кайдлар XV асрга тегишли. Уларнинг келиб чиқишига оид турли фаразлар мавжуд.

Ривоятларга кўра, ўзбеклар-мингларнинг тарихи кирк ва юз каби кабилалар билан боғлиқ бўлиб, бу уларнинг келиб чиқиши туркий асосга эга эканлигидан далолат бериши мумкин. Тадқиқотчи Ч.Валихонов 96 та ўзбек кабилалари ҳақидаги афсоналарни кайд этган бўлиб, улар орасида минг, юз ва кирклар ҳам бор эди. Унинг фикрига кўра, бу кабилалар қадимги туркларнинг авлодлари эди.

Темурийлар даврида ўзбеклар-мингларнинг алоҳида гуруҳлари Мовароуннахрда яшаган. XVI аср бошида мингларнинг айрим гуруҳлари Дашти-Кипчоқдан Мовароуннахрга юриш пайти Шайбонийхон кўшинлари таркибига кирган. Кўп сонли ёзма манбалар XVI асрда Фарғона ва Зарафшон водийларида, Жиззах, Ўратепада кўплаб ўзбеклар-минглар бўлганлигини кўрсатади. Ўратепа ва Ургут беклари минглар уругидан бўлган. Зарафшон хавзасида ҳам ўзбеклар-минглар кўп сонли бўлган.

XVI асрнинг кейинги ярми уларнинг бир қисми Балх томон кўчиб ўтди, қолган қисми эса воҳанинг жануби-шарқий ҳудудларини, Зарафшон тоғ тизмасининг тоғолди ҳудудларини ва Козонрикнинг юқори оқими ҳудудларини эгалладилар.

Абдуллахон II ҳукмронлиги даврида, XVI асрнинг иккинчи ярмида, мингларнинг зодагон ва бадавлат бир қисми, ҳукуматнинг сиқуви оқибатида Зарафшон соҳилларини тарқ этиб, Амударё ортига, Балх томонга кўчиб ўтди. Бу ҳукмдор даврида Зарафшон хавзасида қолган, асосан қамбағаллардан иборат бўлган минглар Ургут туманини эгалладилар.

XVIII асрда ўзбекларнинг минг уруги Кўкон хонлигида ҳукмрон сулолага айланди. Ўзбеклар-минглар Зарафшон округининг жанубий-шарқий қисмида ва Амударё хавзасида Хисор, Бойсун, Шеробод, Денов, Балх ва Кундузда, шунингдек, Хива хонлигида яшаган.

1920 йилга аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, минглар Самарқанд уездида сони бўйича ўзбекларнинг иккинчи ўринда турадиган уруг-қабила гуруҳи бўлган, уларнинг сони 38 минг киши атрофида бўлган.

Зарафшон водийси ўзбеклари-минглари 3 та катта уругга бўлинган бўлиб, улар, ўз

Минглар

Муаллиф:

23.06.2019 00:14 - Янгиланди 30.09.2023 14:54

навбатида, кичикрок уругларга бўлинган: 1. тугали (ахмат, чагир, туйи намоз, окшик ва б.), 2. боглон (чибли, кора, мирза ва б.), 3. увок тамгали (алгол, чаут, жайли, урамас, тўкнамоз, киюхужа, ярат). Тугали уруги беклардан бўлган.

Минглар уругига мансуб ўзбеклар шимолий Афғонистонниг айрим худудларида: Балх, Мозори-Шариф, Маймана ва Тошкўргонда ҳам яшайди.

Абу Муслим таржимаси